
3-сектор раҳбарияти томонидан аёлларга эҳтиром кўрсатилди

Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими раҳбарияти томонидан ҳам доимий равишда тумандаги, хусусан сектор ҳудудидаги эҳтиёжманд оилалар ва алоҳида тоифадаги хотин-қизлар муаммолари атрофлича ўрганилиб, ҳуқуқий ечим топиб келмоқда.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерлари расмийлаштирилиб, оила-турмуш доирасида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олди олиняпти.

8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан сектор раҳбарияти ташаббуси билан ҳудудда истиқомат қилувчи ана шу тоифадаги хотин-қизлар яшаш хонадонларига борилиб, байрам совғалари улашилди.







2024-03-07 22:04:24